

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ БҮЙИЧА**  
**5/2022 - СОН ШАРТНОМА**

Тошкент шаҳри

“20” январь 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Ахборотлаштириш Бош маркази” ДУК (кейинги ўринларда “ИЖРОЧИ” деб юритилади) номидан Устав асосида иш юритувчи директор Сариходжаев Дилшод Шухратович бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (кейинги ўринларда “БУЮОРТМАЧИ” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи Роис ҷурнобосаре М. Самиров, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳакида туздилар:

**1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ**

1.1. “ИЖРОЧИ” ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилган телекоммуникация хизматларини кўрсатади, “БУЮОРТМАЧИ” эса шартнома шартлари асосида уларни қабул қиласи ва кўрсатилган хизмат ҳақини ўз вақтида тўлайди.

**2. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТИ**

2.1. “ИЖРОЧИ” куйидаги мажбуриятларни олади:

2.1.1. Марказий банк телекоммуникация тармоғи асосида “БУЮОРТМАЧИ”нинг барча бўлинмалари билан маълумотлар узатиш учун корпоратив тармоқни ташкил қиласи.

2.1.2. Марказий банк телекомуникация тармоғининг ресурсларини ажратади ва “БУЮОРТМАЧИ”нинг иловада кўрсатилган бўлинмаларига тармоқ боғламларида ажратилган портлар орқали маълумотларни узатувчи алоқа каналларини ташкил қиласи ва уларни узлуксиз, сутканинг 24 соати, йилнинг ҳар куни ишлашини таъминлайди.

2.1.3. “БУЮОРТМАЧИ”нинг ишлаётган абонент ускуналаридан фойдаланиб маълумотларни узатувчи янги алоқа каналларини ташкил қиласи ва уларнинг ишини таъминлайди. Шартнома муддати даврида “БУЮОРТМАЧИ” томонидан қўйилган янги талаблар асосида қўшимча хизматлар кўрсатилиши керак бўлганда, ускуналарни қайта конфигурация қилишини таъминлайди.

2.1.4. Иш кунлари соат 7.00 дан соат 19.00 гача ва дам олиш кунлари соат 8.00 дан соат 17.00 гача “БУЮОРТМАЧИ”нинг мутахассисларига телекоммуникация дастурларини созлаш ва ишлатиш бўйича 212-61-61 телефон раками орқали консультация беришини ҳамда пайдо бўлган муаммоларни тезлик билан аниқлашни ва бартараф қилишини таъминлайди.

2.1.5. “БУЮОРТМАЧИ” билан олдиндан келишилган режа асосида Марказий банк телекомуникация тармоғи боғламларининг профилактикасини ўтказади. Режадаги профилактикани ўтказиш вақтида заҳирадаги алоқа каналларидан фойдаланиб, “БУЮОРТМАЧИ” корпоратив тармоғининг узлуксиз ишлашини таъминлайди.

2.1.6. “БУЮОРТМАЧИ”нинг мутахассисларига “ИЖРОЧИ” томонидан “БУЮОРТМАЧИ” тарафида бажариладиган монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишлари даврида катнашишга ва назорат қилишга имконият яратади.

2.1.7. “ИЖРОЧИ” ва тармоқнинг бошқа абонентлари томонидан “БУЮОРТМАЧИ”нинг ЛХТсини тадқиқ қилиш ва/ёки унга кириш, “БУЮОРТМАЧИ”нинг тармоқ орқали узатаётган маълумотларни ушлаб олиш ва/ёки ўзгартириш имкониятини яратишга йўл қўймайди.

2.1.8. “БУЮОРТМАЧИ” томонидан ушбу шартномадаги техник шартларнинг бузилишини тасдиқловчи маълумотлар тақдим қилинганда, “ИЖРОЧИ” 4.3-бандга асосан жавобгар бўлади ва 24 соат ичida носозликларни тузатиш ва кўрсатилаётган хизматларнинг техник параметрларини ушбу шартнома шартларига мос келтириш мажбуриятини олади.

2.2. “БУЮОРТМАЧИ” мажбурияти:

2.2.1. “БУЮОРТМАЧИ”нинг қурилмаларини алоқа бўлимларидан шартнома асосида ижарага олинган тўғри сим орқали улайди. Тўғри симнинг техник нормаларга жавоб беринини таъминлайди ва сифатига “БУЮОРТМАЧИ” жавобгар ҳисобланади.

2.2.2. Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан ман қилинган ахборотларни Марказий банк телекоммуникация тармоғи орқали узатмаслиги шарт.

### **3. ИШ ВА ХИЗМАТЛАР НАРХИ, ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

- 3.1. Мазкур шартнома бўйича бажарилган ишлар учун тўлов икки томон ўртасида имзоланган келишилган нарх баённомасига асосан амалга оширилади (иловада).
- 3.2. “БУЮРТМАЧИ” шартнома кучга кирган кундан эътиборан 10 кун ичидаги шартноманинг бир ойлик тўланадиган тўловидан 30% миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади, қолган 70% тўловни ҳисоб варак-фактура асосида амалга оширади.
- 3.3. Шартномадаги умумий иш ва хизматлар нархлари алоқа каналлари ва портларнинг сони билан аниқланади. “БУЮРТМАЧИГА” га янги абонентлар уланганда, “ИЖРОЧИ” шартномага бажарилган ишлар далолатномасини қўшиб қўяди ва далолатнома асосида бир маротабали инсталляция ишларининг ҳақини олади. Янги абонентлар уланганда ва қўшимча алоқа каналлари ташкил қилинганда ойлик ижара ҳақи иавбатдаги ойнинг 1-санасидан бошлаб ушбу шартномага тузиладиган янги қўшимча келишув асосида олиниади.
- 3.4. БУЮРТМАЧИ” бажарилган иш ва хизматлар учун ойда бир марта келгуси ойнинг 5-санасигача “ИЖРОЧИ” тақдим қилган ҳисобварак-фактурага мувофиқ мазкур ойнинг 20-санасидан кечикирмай ҳак тўлайди. Ҳисоб варак-фактурага бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақи 15% ҚҚСни ҳисобга олиб киритилади.
- 3.5. Энергия, алоқа каналлари нархининг ўзгариши билан, Ўзбекистон Республикасининг меъёрий хужжатларига мувофиқ иш ва хизматлар нархи ҳам ўзгаради ва “БУЮРТМАЧИ”га бу ҳақда ёзма равища маълум қилинади.

### **4. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 4.1. Томонлар шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Қонунига асосан жавобгардирлар.
- 4.2. Бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақи мазкур шартномада белгиланган муддатда тўланмаган бўлса, БУЮРТМАЧИ ИЖРОЧИ”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50%дан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.
- 4.3. “ИЖРОЧИ” томонидан шартнома мажбуриятларини бажариш кечикириб юборилганда ишлар бажарилмаган тақдирда “ИЖРОЧИ” “БУЮРТМАЧИ”га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50%дан ошиб кетмаслиги лозим.
- 4.4. “БУЮРТМАЧИ”нинг тўғри сими ва абонент ускуналари ишдан чиқиши, Марказий банк телекомуникация тармоғи ишлабтган алоқа каналлари ва трактларини ҳосил қилувчи АК “Узтелеком”нинг курилмалари ишдан чиқканда, табиий ёки “ИЖРОЧИ”га боғлиқ бўлмай тасодифий юзага келган ходиса сабабли тармоқ ишлашининг сифати ёмонлашишига ёки алоқанинг бутунлай бўлмаслигига ИЖРОЧИ” жавобгар эмас ва алоқанинг бўлмаган вақти тўхташ деб ҳисбланмайди.
- 4.5. Шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги ёки нотўғри бажарганлиги учун неустойка (жарима, пеня) тўлови тўланишидан қатъий назар айбордor томон бошқа томонга ундан келган заарни тўлайди.
- 4.6. Неустойка (жарима, пеня) тўлови ва заарни қоплаш шартнома бўйича мажбуриятни бажаришдан томонларни озод қилмайди.

### **5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР**

- 5.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.
- 5.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.
- 5.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равиша пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга вайда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирмаганлигини) кафолатлади.
- 5.4. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пурратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорат остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.



## **6. ФОРС-МАЖОР**

6.1. Форс-мажор (енгиб бўлмайдиган кучлар, яъни табиий оғатлар, ҳарбий ҳаракатлар ва х.к.) ҳолатларида томонлар шартнома бўйича мажбуриятни бажаришдан тўла ёки қисман озод қилинади.

6.2. Форс-мажор ҳолатлари тўғрисида ҳар иккала томон бошқа томонни бу ҳолатларни содир бўлганлиги ҳакида уч кун ичидаги ёзма равишда хабар бериши шарт. Кўрсатилган ҳолат ҳужжат билан тасдиқланади.

## **7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

7.1. Мазкур шартномага барча ўзгаришлар ва қўшимчалар томонлар келишуви билан ёзма равишда расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтганидан сўнг юридик кучга эга бўлади.

7.2. Томонларнинг ҳар бири иккинчи томонни бир ой олдин ёзма огоҳлантириб ушбу шартномани бекор қилишга ҳақлидир.

7.3. Мазкур шартномани бекор қилиш тўғрисидаги келишув ёзма равишда амалга оширилиши керак.

7.4. Мазкур шартномадан келиб чиқсан ёки унга боғлиқ бўлган барча низолар музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

7.5. Агар низолар музокаралар йўли билан ҳал қилинмаса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ иқтисодий судда ҳал қилинади.

## **8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

8.1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтганидан сўнг кучга кириб, 2022 йил 1 январдан бошлаб муносабатларни тартибга солади ва 2022 йил 31.12 гача амалда бўлади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада бўлиб бир хил юридик кучга эга ва бир нусхадан томонларда сақланади.

## **9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИЛЛАРИ**

**ИЖРОЧИ:** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Ахборотлаштириш бош маркази” ДУК, 100001, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси 6, Марказий банкнинг Тошкент шаҳридаги Бош Бошқармаси Ҳисобкитоб касса маркази, ҳисоб-рақами 21596000600447879001, МФО 00014, СТИР 201052959, ИФУТ 63110, тел: 212-61-67, 212-61-63.

**БУЮРТМАЧИ:**

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Кумитаси  
100003, Тошкент ш., Ислом Каримов Куч., 3 уй  
тел.: 120-76-00, факс: 120-76-41  
**X/P: 2340 4000 6004 4793 9327**  
**«Алокабанк» Тошкент ш. бош офиси.**  
**Банк коди: 00401 СТИР: 200 794 867**

**ИЖРОЧИ**



(имзо)  
М.У.

**БУЮРТМАЧИ**



(имзо)  
М.У.

*M.Санеев*

*Amroldau / Shab. Sh.*

БАСТАНДЫРУУЛУУ АКТІНДА  
БАСТАНДЫРУУЛУУ АКТІНДА  
БАСТАНДЫРУУЛУУ АКТІНДА  
БАСТАНДЫРУУЛУУ АКТІНДА

АГЕБАСЫНДЫК ТӨПОДДОДУУДА БАСТАНДЫРУУЛУУ АКТІНДА № 00000 Тарихи: 15.02.2022-жыл Лот: 150-50-00.Файл: 15-50-50
АКТ №: 23040000041503035
«Акционерное общество „Гомельхимфарм“ г. Гомель, Республика Беларусь»
Банк коды: 00401 СНП: 500 348 561

01	ЮРИДИК СИҢГАРМА № 15
2022 1 20.02	

**Келишилган нархлар хақида  
Баённома**

Биз, Ўзбекистон Республикаси "Марказий банки Ахборотлаштириш бош маркази" ДУК номидан директор Д.Ш. Сариходжаев ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан Роис ёрғондо сарф  
М.Салеев

банк телекоммуникация тармоғи хизматлари учун қуидаги нархларга келишдик:

№	Телекоммуникация хизматларини турлари			Ҳар ойда тўланадиган тўлов		
	Интерфейс портлар ва мантиқий каналлар	А нуқта	Б нуқта	Нархи	Сони	Умумий нархи
1	192 Кб (V1-192), 1 VPN	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ	Марказий банк	150 075,00	1	150 075,00
<b>Жаъми (ҚҚС хисобга олинган ҳолда): Ҳар ойда тўланадиган тўлов</b>						150 075,00
<b>Жаъми (ҚҚС хисобга олинган ҳолда): 2022 йил январ, феврал, март ойлари учун тўланадиган тўлов</b>						450 225,00

Ўзбектелеком тариф нархлари ўзгарганда "ИЖРОЧИ" тариф нархларини ўзgartиришга хақли. Мазкур телекоммуникация хизматлари учун белгиланган тарифлар баённомаси "ИЖРОЧИ" билан "БҮЮРТМАЧИ" ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб ва тўловлар ўtkазиш учун асосдир.

ИЖРОЧИ



(ИМЭО)


M.Y.

БҮЮРТМАЧИ



(ОЗМСИ)

M.Y.



Л. Салеев

QURUQ-DOQOZ KOMITETI

QURUQ-DOQOZ KOMITETI

QURUQ-DOQOZ KOMITETI

QURUQ-DOQOZ KOMITETI

QURUQ-DOQOZ KOMITETI

QURUQ-DOQOZ KOMITETI	
00.810.001	QURUQ-DOQOZ KOMITETI
00.810.002	QURUQ-DOQOZ KOMITETI
00.810.003	QURUQ-DOQOZ KOMITETI

QURUQ-DOQOZ KOMITETI

BONİFİANS



BONİFİANS

01	YURIDIK BOŞQARMA	No 15
imzalar 2022 y 20.02		